ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.09.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БЕР АЛЕКСЕЙ ФЕЛИКСОВИЧ

ЎЛЧОВЛИ ОПЕРАТОРЛАР АЛГЕБРАЛАРИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШЛАР

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

УДК: 517.98

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.09.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БЕР АЛЕКСЕЙ ФЕЛИКСОВИЧ

ЎЛЧОВЛИ ОПЕРАТОРЛАР АЛГЕБРАЛАРИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШЛАР

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/FM143 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» Ахборот таълим тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Чилин Владимир Иванович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ғаниходжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Закиров Ботир Сабитович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Арзикулов Фарходжон Нематжонович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**В.И.Вернадский номидаги Қрим федерал универстети, Россия**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.09.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Аъзамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

А.С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий–амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда ўлчовли функциялар алгебраларининг келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, халқаро миқёсда амалга ошириладиган ўлчовли операторлар алгебралари назарияси масалаларини ўрганишда, асосан, бундай алгебраларнинг дифференциаллашларини ўрганиш масаласига келади. Фон Нейман алгебралари учун америкалик олим С.Сакаи томонидан ўрнатилган ихтиёрий дифференциаллаш учун узлуксизлик хоссаси алохида ўринга эга. И.Капланский, С.Сакаи, Р.В.Кэдисон, Д.Олесен ишларидан кўринадики, оператор алгебраларида дифференциалланишни ўрганиш фаннинг кўп соҳаларида, хусусан, статистик ва квант механикасида катта ўрин эгаллайди. Бундай дифференциалларнинг узлуксизлиги ва ички дифференциаллаш эканлигини, шунингдек тасвири оператор алгебралари устидаги бимодулларда бўлган дифференциалларни топиш оператор алгебралари назариясининг муҳим муаммоларидан биридир.

Айни пайтда, статистик ва квант механикаси моделлари учун фон Нейман алгебрасига бириктирилган, ўлчовли операторлар алгебрасида таъсир қилувчи узлуксиз автоморфизмлар гуруҳлари (ва уларнинг генераторлари)ни ўрганиш муҳим рол ўйнайди. Шу муносабат билан қуйидаги йўналишлар бўйича мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади: ушбу гурухларнинг дифференциалланиш бўлган генераторларини ўрганиш, дифференциалланишларнинг узлуксиз, ҳамда ички дифференциалланиш бўлиши мезонларини топиш. Юқорида қайд етилган йўналишлар бўйича олиб бориладиган илмий изланишлар диссертация мавзусининг долзарблигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда амалий аҳамиятга эга бўлган илмий соҳаларга кўпроқ эътибор қарата бошланди. Жумладан, статистик ва квант механикаси муаммоларини ўрганишнинг асосий объекти бўлган квант механикасининг классик моделлари ва бундай алгебраларнинг автоморфизм гуруҳлари генераторлари учун операторлар алгебраси назариясини ишлаб чиқишга алоҳида еътибор қаратилди. Чегараланган операторлар алгебрасининг автоморфизмларини, бу гуруҳларнинг генераторларини, шунингдек оператор алгебралари устида тасвири бимодулларда булган дифференциалларни ўрганиш бўйича сезиларли натижалар олинган. Илмий тадқиқотлар олиб боришнинг асосий вазифа ва йўналишлари устувор илмий йўналишлар, хусусан, функционал анализ ва алгебрада халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳисобланади[1]. Операторлар алгебралари назарияси, уларнинг аутоморфизмлари ва дифференциаллашлари устида ўтказилган кейинги тадқиқотларнинг ривожланиши ушбу қарорни амалга оширилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори, 2018 йил 27 апрелдаги «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3682-сонли Қарори ва 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Ўлчовли функциялар алгебраларида ва ўлчовли операторлар алгебраларида дифференциаллашлар бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Янги Жанубий Уэлс университети, Математика ва стаистика мактаби (Австралия); Абдус Салам номидаги Халқаро назарий физика маркази (Abdus Salam International Center for Theoretical Physics), Пиза университети (Италия); Париж университети, Тулуза университети (Франция); Москва давлат университети, Крим федерал университети, Новосибирск давлат университети, Россия фанлар академияси Математика институти (Россия); Пенсильвания штати университети, Питсбург университети (АҚШ); Торонто университети (Канада) ва бошқа жойларда олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида ўлчовли операторлар алгебрасида дифференциаллашлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор долзарб муаммолар ҳал етилди, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинди: дискрет ўлчовли фазода берилган ўлчовли функциялар алгебрасининг ихтиёрий дифференциаллаши нол дифференциаллаш еканлигини исботланди, I_∞ ёки III типли фон Нейман алгебрасига бириктирилган ўлчовли ёки локал ўлчовли операторлар алгебрасининг ихтиёрий дифференциаллаши ички дифференциаллаш экани курсатилди.

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: Journal of Statistical Physics, Queueing Systems, Теоретическая и математическая физика, Сибирский математический журнал, Математические заметки, Украинский математический журнал, http://www.springer.com/mathematics; Journal of Siberian Federal University. Mathematics and Physics, Journal of Physics: Conference Series https://www.researchgate.net ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Жаҳон миқёсида бир қатор тадқиқот лойиҳалари устувор йўналишларда амалга оширилмоқда, масалан, ўлчовли функциялар ва ўлчовли операторлар алгебраларида дифференциаллашларни ўрганиш ва уларни қўллаш, аниқроғи, IIтипли фон Нейман алгебрасига бириктрилган ўлчовли ҳамда локал ўлчовли операторлар алгебралари дифференциалларининг узлуксиз булиш мезонларини топиш ва дифференциаллашларнинг ички дифференциаллаш булиш мезонларини топиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. C^* ва W^* алгебраларнинг дифференциаллар назариясига Капланский томонидан асос солинган бўлиб, у I типли $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасининг ихтиёрий δ дифференциалланиши ички дифференциаллаш бўлишини кўрсатган, яъни, $\delta(a) = [d, a] = da - ad, a \in \mathcal{M},$ бу ерда $d \in \mathcal{M}$ қандайдир элемент. Кейинроқ, Сакаи C^*-алгебрасида ихтиёрий дифференциалланиш узлуксиз бўлишини кўрсатган. Сўнгра Сакаи ва Кадисонлар томонидан ихтиёрий $\mathcal{M}$ -фон Нейман алгебрасининг ғар бир δ дифференциалланиши ички дифференциаллаш бўлишини кўрсатилган, яъни, $\delta(a) = [d, a]$, бу ҳолда, $\| d \|_{\mathcal{M}} \leq \| \delta \|_{\mathcal{M} \to \mathcal{M}}$ тенгсизлик доимо уринли булиши ҳам кўрсатилган. Олесен ушбу натижани барча AW^*-алгебралари учун исботлаган.

Ихтиёрий C* -алгебрада ҳар қандай дифференциаллаш узлуксиз бўлса ҳам, у ички ички дифференциаллаш бўлиши шарт емас. Агар C*-алгебра содда ва бирлик элементга эга бўлса, унда ҳар қандай дифференциаллаш ички дифференциаллаш бўлади. Коммутатив алгебрада ички дифференциаллаш нол оператори бўлади. Маълумки, коммутатив C*-алгебранинг ихтиёрий дифференциалланиши нолга тенг (яъни, ички дифференциаллаш).

Юкоридаги маълумотлардан оператор алгебраларидаги дифференциаллашни ўрганишда табиий равишда иккита савол алоҳида қизиқиш уйғотади:

алгебраларнинг берилган синфидаги ихтиёрий дифференциаллаш ички дифференциаллаш бўладими;

агар бўлмаса, у ҳолда узлуксиз бўладими.

Сўнгги йилларда ўлчовли ва локал ўлчовли операторлар алгебралари назариясининг ривожланиши билан бундай алгебраларда дифференциаллашларни ўрганишга алоҳида қизиқиш пайдо бўлди. Бу йўналишдаги асосий масалалар академик Ш.А.Аюпов томонидан қўйилган. Бу масалалр, биринчи навбатда, юқорида айтиб ўтилган иккита савол билан боғлиқ.

I типли $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасига бириктирилган $LS(\mathcal{M})$ локал ўлчовли, $S(\mathcal{M})$ ўлчовли, ҳамда $S(\mathcal{M}, \tau)$ $\tau -$ ўлчовли алгебраларида дифференциаллашга оид асосий натижалар Ш. А Аюпов, S. Albeverio ва К.К.Кудайбергеновларнинг ишларида олинган. Юқорида келтирлган чегараланмаган операторлар алгебрасида $\mathcal{Z} -$ чизиқлилик (яъни $\delta(\mathcal{Z}(\mathcal{M})) = \{0\}$, бу ерда $\mathcal{Z}(\mathcal{M})$ тўплам $\mathcal{M}$ алгебранинг маркази) шартини қаноатлантирувчи ҳар қандай дифференциаллаш ички бўлиши аниқланди. Фон Нейман алгебраси I_∞ типли бўлганда барча ўлчовли операторлар алгебрасидаги ҳар қандай дифференциаллаш $\mathcal{Z}-$ чизиқли ва шунинг учун ички бўлади. Фон Нейман алгебраси чекли I типли бўлгандаги ҳолат $\mathcal{M}=L_\infty(X,\Sigma,\mu)\otimes M_n$ ҳолатга келтирилади, бу ерда $(X,\Sigma,\mu)-$ чекли ўлчовли фазо, M_n эса n- тартибли комплекс матрицалар алгебраси. Ушбу ҳолатда $LS(\mathcal{M})=S(\mathcal{M})=S(X,\Sigma,\mu)\otimes M_n$ тенглик ўринли бўлади ва $(X,\Sigma,\mu)\otimes M_n$ даги ихтиёрий дифференциаллаш ички дифференциаллаш ва $S(X,\Sigma,\mu)$ ($\delta\longrightarrow\delta\otimes Id$) дан табиий равишда давом эттирилган дифференциаллашнинг йиғиндиси кўринишида бир қийматли тасвирланади. Шунинг учун $S(X,\Sigma,\mu)\otimes M_n$ даги ихтиёрий дифференциаллаш $\mathcal{M}$ даги марказий проекторларнинг бул алгебраси атомик бўлганда ва фақат шу ҳолдагина ички бўлади. Ихтиёрий I типли $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси учун юқорида келтирилган ўлчовли операторлар алгебрасида ички бўлмаган дифференциаллашларнинг мавжудлигини мезони бўлиб $\mathcal{M}$ даги ихтиёрий марказий проектор ёки чексиз, ёки дискрет (яъни, атомларнинг супремуми) бўлиши хизмат қилади.

Агар $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси III типли бўлса, у ҳолда унда аниқ нормал ярим-чекли излар бўлмайди ва $S(\mathcal{M})=\mathcal{M}$ тенглик ўринли бўлади. Лекин, $LS(\mathcal{M})$ алгебраси $\mathcal{M}$ га тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун $LS(\mathcal{M})$ даги дифференциаллашни ички бўлиши масаласи тривиал эмас. Ушбу саволга ижобий жавоб Ш.А.Аюпов ва К.К.Кудайбергеновларнинг ишида келтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация ОТ-Ф4-82 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос», ОТ-Ф4-87 «Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага тадбиқлари» (2017-2021 йиллар) мавзусидаги В.И.Романовский номидаги Ўзбекситон ФА Математика институти илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўлчовли операторлар алгебрасида таъсир қилаётган ихтиёрий дифференциаллашни ички ёки узлуксиз бўлишини таъминлайдиган мезонларни топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коммутатив ўлчовли операторлар алгебрасида нолдан фарқли дифференциаллашлар мавжуд бўлиши учун мезонлар олиш ;

Фон Нейман алгебраси аниқ чексиз бўлганда $S(\mathcal{M},\tau)$ ва $LS(\mathcal{M})$ даги ихтиёрий дифференциаллаш узлуксиз эканлигини исбот қилиш;

$S(\mathcal{M},\tau)$ ва $LS(\mathcal{M})$ даги ихтиёрий узлуксиз дифференциаллаш ички эканлигини исбот қилиш;

$\mathcal{M}$ Фон Нейман алгебрасини локал ўлчовли операторларнинг банах $\mathcal{M}$ модулига акслантираётган ҳар қандай дифференциаллаш ички эканлигини исбот қилиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўлчовли ва локал ўлчовли операторлар алгебралари, дифференциаллаш, фон Нейман алгебрасидаги идеаллар, фон Нейман алгебрасидаги бимодуллар, регуляр (фон Нейман бўйича) ҳалқалар, инверс ярим-группалар, аппроксиматив ҳосилалар тадқиқотнинг объектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Ўлчовли ва локал ўлчовли операторлар алгебраларидаги узлуксиз ва ички дифференциаллашлар, фон Нейман алгебраларини ушбу алгебрадаги бимодул ва идеалларга акслантирувчи дифференциаллашлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ҳалқаларни кенгайтириш назарияси, кўпҳадлар назарияси, спектрал назария, панжаралар назарияси ва фон Нейман алгебралари назариясининг умумий усуллари қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўлчовли функциялар алгебрасида нолдан фарқли дифференциаллашнинг мавжуд бўлиши учун мезонлар топилган ҳамда ўлчовли функциялар алгебрасидаги барча дифференциаллашлар фазоси таснифланган;

аниқ нормал ярим-чеклига эга бўлган хос чексиз фон Нейман алгебрасига бириктирилган ўлчовли операторлар (изга нисбатан) алгебрасидаги ихтиёрий дифференциаллаш, ўлчовли яқинлашиш топологиясига нисбатан узлуксиз эканлиги исботланган;

хос чексиз фон Нейман алгебрасига бириктирилган локал ўлчовли операторлар алгебрасидаги ихтиёрий дифференциаллаш, локал ўлчовли яқинлашиш топологиясига нисбатан узлуксиз эканлиги исботланган;

барча локал ўлчовли операторлар алгебрасини ўзининг қисм-алгебрасида берилган ихтиёрий дифференциаллаш бутун алгебрадаги дифференциаллашгача ягона равишда давом эттирилиши исботланган;

изга нисбатан ўлчовли операторлар алгебрасининг ихтиёрий узлуксиз дифференциаллашиши ички эканлиги исботланган;

локал ўлчовли операторлар алгебрасининг ихтиёрий узлуксиз дифференциаллашиши ички эканлиги исботланган;

фон Нейман алгебрасини локал ўлчовли операторларнинг Банах бимодулига акслантирувчи ихтиёрий дифференциаллаш ички эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

дифференциаллашни коммутатив регуляр алгебранинг қисм алгебрасидан бутун алгебрага давом эттириш теоремаси ёрдамида ўлчовли функциялар алгебрасида нолдан фарқли дифференциаллашларнинг мавжудлиги мезони исботланган;

коммутатор баҳолаш ва дифференциаллашларни давом эттириш ҳақидаги теоремалардан фойдаланиб $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасидан локал ўлчовли операторлар Банах $\mathcal{M}$ -бимодулига акслантирувчи ихтиёрий дифференциаллашларнинг ички бўлиши кўрсатилган;

$(LS(\mathcal{M}), t(\mathcal{M}))$ алгебрасида дифференциаллашларнинг узлуксизлик ва ички бўлишлик хоссаларининг эквивалентлиги ҳақидаги теоремадан фойдаланиб $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси хос чексиз бўлган ҳолда $LS(\mathcal{M})$ алгебрасидаги ихтиёрий дифференциаллаш ички бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг қатъий математик исботлари, шунингдек юқори ҳалқаро рейтингга эга бўлган математик журналларда нашр этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ҳар қандай узлуксиз дифференциаллаши ички бўладиган ўлчовли ва локал ўлчовли оператор алгебралари синфининг тўлиқ тавсифланганлиги билан аниқланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти олинган натижалар ҳар қандай узлуксиз дифференциаллаши ички бўладиган чегараланмаган инволютив алгебралар синфини таснифлашда олдиндан башорат қилишга имкон бериши билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўлчовли функциялар алгебраси дифференциаллашлари бўйича олинган натижалар амалиётда қуйидаги йўналишлар буйича қўлланди:

ўлчовли функциялар алгебрасида дифференциаллашнинг ички бўлиши меъзонларини топиш DP150100920 «Шур ёйилмаси ва операторлар назариясининг тегишли масалалари» хорижий лойиҳасида кесмадаги ўлчовли функциялар алгебрасининг нол бўлмаган дифференциали борлигини исботлаш учун қўлланилган (Янги Жанубий Уэлс университетининг 2019 йил 9 июлдаги маълумотномаси, Австралия). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кесмадаги ўлчовли функциялар алгебрасининг оддий ҳосила ягона равишда давом эттириладиган энг катта қисм алгебрасини тавсифлаш имконини берди;

ўлчовли ва локал ўлчовли операторлар алгебраларида дифференциаллашнинг узлуксизлиги ҳақидаги теорема FL170100052 рақамли «Нокоммутатив анализнинг янги методлари» хорижий лойиҳасида хос чексиз алгебраларда дифференциаллашнинг узлуксизлигини исботлаш учун қўлланилган (Янги Жанубий Уэлс университетининг 2019 йил 9 июлдаги маълумотномаси, Австралия). Илмий натижаларни қўллаш бундай дифференциаллашларнинг ички эканини исботлаш имконини берди;

коммутатор баҳолар ҳақидаги теорема локал ўлчовли операторлар 16-11-10125 рақамли «Функционал фазоларда оператор тенгаламалар ва ночизиқли анализда тадбиқлари» халқаро лойиҳасида қисм алгебраларидаги дифференциаллашнинг ички эканлигига оид исботларнинг бутун алгебрада таъсир қилувчи дифференциалларга қўллаш учун фойдаланилди (Крим федерал университетининг 2019 йил 6 сентябрдаги 9-29-286-сон маълумотномаси, Россия). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фон Нейман алгебрасининг типига қараб ўлчовли операторлар алгебраларининг дифференсиаллашлари ички бўлиш мезонларини топиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 8 та илмий конференцияда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий конференцияларда тақдим этилди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, улардан 13 таси докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан таклиф этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган, шу жумладан 13 таси хорижий журналларда чоп етилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «Бошланғич маълумотлар» деб номланиб, унда диссертация асосий матнини баён қилишга зарур бўлган, фон Нейман алгебралари назарияси, ўлчовли ва локал ўлчовли операторлар назарияси, алгебраларда дифференциаллаш назарияларига оид маълумотлар, таърифлар ҳамда машхур натижалар келтирилган.

$(\mathcal{M}, \|.\|_{\mathcal{M}})$ жуфтлик $\mathcal{H}$ Гильберт фазосидаги $\mathbf{1}$ бирлик элементга эга бўлган фон Нейман алгебраси бўлсин. $\mathcal{M}$ даги барча проекторлар тўпламини $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ орқали, $\mathcal{M}$ нинг марказини $\mathcal{Z}(\mathcal{M})$ орқали ва $\mathcal{M}$ нинг унитар операторлари группасини $\mathcal{U}(\mathcal{M})$ орқали белгилаймиз.

Агар $v^*v = p, vv^* = q$ тенгликни қаноатлантирадиган қисман изометрия $v \in \mathcal{M}$ топилса, $p, q \in \mathcal{P}(\mathcal{M})$ проекторлари эквивалент дейилади. Биз буни $p \sim q$ каби белгилаймиз. Поектор p *чекли* дейилади, агар

$$\mathcal{P}(\mathcal{M}) \ni q \leq p, q \sim p \Rightarrow q = p$$

муносабати ўринли бўлса. Барча чекли проекторлар тўплами $\mathcal{P}_{fin}(\mathcal{M})$ каби белгиланади. Чекли бўлмаган проектор *чексиз* проектор дейилади.

$\mathfrak{D}(x)$ аниқланиш соҳаси $\mathcal{H}$ нинг қисм фазоси бўлган $x: \mathfrak{D}(x) \rightarrow \mathcal{H}$ чизиқли оператор $\mathcal{M}$ га *бириктирилган* дейилади, агар барча $y \in \mathcal{M}'$ учун $yx \subseteq xy$ муносабат ўринли бўлса (бу вазиятда $x\eta\mathcal{M}$ каби белгиланади).

Агар $x -$ ёпиқ, зич аниқланган, $\mathcal{M}$ га бириктирилган бўлиб, ва x учун барча n ларда

$$p_n \uparrow \mathbf{1},\ p_n(\mathcal{H}) \subseteq \mathfrak{D}(x), p_n^{\perp} \in \mathcal{P}_{fin}(\mathcal{M})$$

шартни қаноатлантирадиган $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ га тегишли $\{p_n\}_{n=1}^{\infty}$ кетма-кетлик мавжуд бўлса, у ҳолда $x: \mathfrak{D}(x) \rightarrow \mathcal{H}$ чизиқли оператори $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасига нисбатан *ўлчовли* дейилади, бу ерда $p_n^{\perp} = \mathbf{1} - p_n$. $p_n(\mathcal{H}) \subseteq \mathfrak{D}(x)$

шартларидан $xp_n \in \mathcal{M}$ муносабати келиб чиқади. $\mathcal{M}$ га нисбатан ўлчовли оперторлар тўплами $S(\mathcal{M})$ кучли йиғинди ва кучли кўпайтмага нисбатан (барча $x, y \in S(\mathcal{M})$ учун $x + y$ ва xy каби ёзилади) унитал (яъни бирлик элементи мавжуд) $*$-алгебра бўлади.

$\mathcal{M}$ да аниқ нормал ярим-чекли τ из берилган бўлсин. $x \in S(\mathcal{M})$ оператори *τ- ўлчовли* дейилади, агар барча n лар учун

$$p_n \uparrow \mathbf{1},\ p_n(\mathcal{H}) \subseteq \mathfrak{D}(x) \text{ ва } \tau(p_n^{\perp}) < \infty$$

шартларини қаноатлантирувчи $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ га тегишли $\{p_n\}_{n=1}^{\infty}$ кетма-кетлик мавжуд бўлса. $S(\mathcal{M}, \tau)$ барча τ- ўлчовли операторлар тўплами $S(\mathcal{M})$ да $*$-қисм-алгебра бўлади.

$S(\mathcal{M}, \tau)$ алгебрасида нол нуқтанинг базовий атрофлари

$$U(\varepsilon, \delta) = \{x \in S(\mathcal{M}, \tau) \colon \exists p \in \mathcal{P}(\mathcal{M}), xp \in \mathcal{M}, \| xp \| \leq \varepsilon, \tau(p^{\perp}) \leq \delta\},$$
$$\varepsilon > 0, \delta > 0,$$

каби аниқланган t_τ вектор топологиясига *ўлчовли яқинлашиш топологияси дейилади*.

Ёпиқ оператор $x\eta\mathcal{M}$ *локал ўлчовли* дейилади, агар $\mathcal{M}$ даги марказий проекторлардан иборат $\{z_n\}_{n=1}^{\infty}$ кетма-кетлиги мавжуд бўлиб, барча $n \in \mathbb{N}$ учун $z_n \uparrow \mathbf{1}$ ва $xz_n \in S(\mathcal{M})$ шартлари ўринли бўлса. $LS(\mathcal{M})$ барча локал ўлчовли операторлар тўплами кучли йиғинди ва кучли кўпайтмага нисбатан унитал $*$-алгебра бўлади.

$LS(\mathcal{M})$ алгебрасида *локал ўлчовли яқинлашиш* топологияси $t(\mathcal{M})$ аниқланади. Унинг хоссалари [Муратов М.А., Чилин В.И. Алгебры измеримых и локально измеримых операторов. Труды института математики НАН Украины, т. 69, 2007] китобида батафсил баён қилинган.

Фон Нейман алгебраси $\mathcal{M}$ га бириктирилган барча локал ўлчовли операторлар алгебраси $LS(\mathcal{M})$ нинг $\mathcal{L}$ қисм-фазоси *ўлчовли операторларнинг $\mathcal{M}$-бимодули* дейилади, агар барча $x \in \mathcal{L}$ ва $a, b \in \mathcal{M}$ лар учун $axb \in \mathcal{L}$ муносабати ўринли бўлса. Ўлчовли операторларнинг $\mathcal{M}$ -бимодули $\mathcal{L}$ *ўлчовли операторларнинг нормаланган $\mathcal{M}$ -бимодули* дейилади, агар $\mathcal{L}$ да барча $x \in \mathcal{L}, a, b \in \mathcal{M}$ лар учун

$$\| axb \|_{\mathcal{L}} \leq \| a \|_{\mathcal{M}} \| x \|_{\mathcal{L}} \| b \|_{\mathcal{M}}$$

тенгсизлигини қаноатлантирадиган $\|\cdot\|_{\mathcal{L}}$ норма аниқланган бўлса. Агар шунинг билан бирга $(\mathcal{L}, \|\cdot\|_{\mathcal{L}})$ банах фазоси бўлса, у ҳолда $\mathcal{L}$ *ўлчовли операторларнинг банах $\mathcal{M}$-бимодули* дейилади.

Иккинчи боб «Коммутатив регуляр алгебраларда дифференциаллаш» деб номланиб, унда FCR- алгебраларида нолдан фарқли дифференциаллаш мавжудлиги муаоммоси ўрганилган. Бу синф алгебралари ушбу бобнинг биринчи бўлимида келтирилган ва унинг хоссалри ўрганилган. Бундай алгебраларда дифференциаллашни ўрганишга, бу синф алгебралари ўлчовли фазода ўлчовли функциялар алгебрасини ўз ичига оганлиги сабаб бўлган.

Иккинчи бобнинг **II.1 бўлими** коммутатив регуляр алгебраларининг структурасини ўрганишга бағишланган.

$\mathcal{A}$ ҳалқа *регуляр* дейилади, агар у қуйидаги икки эквивалент шартларидан бирини қаноатлантирса:

1. Ихтиёрий $a \in \mathcal{A}$ элементи учун $a = aba$ тенгликни қаноатлантирадиган $b \in \mathcal{A}$ элемент мавжуд бўлса;

2. Ихтиёрий $a \in \mathcal{A}$ элементи учун $a\mathcal{A} = e\mathcal{A}$ тенгликни қаноатлантирадиган $e \in \nabla$ (∇ - $\mathcal{A}$ алгебранинг барча идемпотентлари тўплами)элемент мавжуд бўлса.

Регуляр ҳалқа бўлган алгебра *регуляр алгебра* дйилади.

Идемпотент $e \in \nabla$ элементи $a \in \mathcal{A}$ элементнинг *устуни* дейилади, агар $ea = a$ ва $ga = a,\ g \in \nabla$ муносабатлардан $e \leq g$ тенгсизлиги келиб чиқса. $a \in \mathcal{A}$ элементнинг ташувчиси $s(a)$ орқали белгиланади.

$K(A_1, A_2, \dots)$ орқали будем $\mathcal{A}$ даги $A_1, A_2, \dots \subset \mathcal{A}$ тупламлардан ҳосил қилинган қим алгебрани белгилаймиз. Масалан,

$K(\nabla) = \{\sum_{k=1}^{n} \lambda_k e_k \colon e_k \in \nabla, \lambda_k \in K, k = 1, \dots, n\}$,

агар $\mathcal{B}$ - $\mathcal{A}$ нинг қисм алгебраси бўлса, у ҳолда

$K(\mathcal{B}, \nabla) = \{\sum_{l=1}^{m} b_l f_l + \sum_{k=1}^{n} \lambda_k e_k \colon f_l, e_k \in \nabla, \lambda_k \in K, l = 1, \dots, m, k = 1, \dots, n\}$.

Қуйидаги тасдиқда берилган алгебрани ўз ичига олувчи энг кичик регуляр қисм алгебра конструкцияси келтирилган.

Тасдиқ II.1.3. Айтайлик $\mathcal{B}$ – $\mathcal{A}$ да қисм алгебра бўлсин, $\nabla \subset \mathcal{B}$. Унда

$$R(\mathcal{B}) = \{a \cdot i(b) \colon a, b \in \mathcal{B}\}$$

$\mathcal{A}$ даги $\mathcal{B}$ ни ўз ичига олувчи энг кичик регуляр қисм алгебра бўлади.

K майдонда $\mathcal{A}$ коммутатив унитал регуляр алгебра берилган бўлиб, $\mathcal{A}$ нинг идемпотентларидан ташкил топган ∇ бул алгебрасида аниқ мусбат саноқли аддитив чекли μ ўлчов берилган бўлсин. Агар $\mathcal{A}$ алгебраси

$$\rho(a, b) = \mu(s(a - b))$$

метрикага нисбатан тўла бўлса, у ҳолда $\mathcal{A}$ ни биз FCR-алгебра деб атаймиз.

(Ω, Σ, μ) чекли саноқли аддитив ўлчовли фазо, $\mathcal{A} = S(\Omega, \Sigma, \mu)$ тўплам (Ω, Σ, μ) даги деярли ҳамма ерда тенг ҳақиқий (комплекс) ўлчовли функциялар синфлари алгебраси бўлсин. μ ўлчови $\mathcal{A}$ нинг барча идемпотентлари ∇ тўла бул алгебрасида аниқ мусбат саноқли аддитив ўлчовни аниқлайди. Ихтиёрий $a, b \in \mathcal{A}$ элементлари учун

$$\rho(a, b) = \mu\big(s(a - b)\big) = \mu(\{\omega \in \Omega \colon a(\omega) \neq b(\omega)\})$$

муносабат ўринли бўлади. Бундан метрик фазо $(\mathcal{A}, \rho)$ тўла эканлиги, яъни $\mathcal{A}$ алгебра FCR-алгебрага мисол бўлади.

$K(\nabla)$ орқали FCR -алгебра $\mathcal{A}$ нинг ∇ дан ҳосил қилинган қисм-алгебрасини белгилаймиз. $K_c(\nabla)$ орқали эса $K(\nabla)$ ни ρ метрикадаги ёпиғини белгилаймиз.

$\mathcal{B}$ - $\mathcal{A}$ да қисм алгебра бўлсин. $I(\mathcal{B})$ орқали $\mathcal{B}$ га нисбатан барча бутун элементлар тўпламини белгилаймиз. Ихтиёрий $b \in \mathcal{B}$ элемент $x - b$ полиномнинг илдизи бўлади, шунинг учун $\mathcal{B} \subset I(\mathcal{B})$. Бизга $I(\mathcal{B})$ - $\mathcal{A}$ нинг қисм ҳалқаси экани маълум. Ушбу ҳалқа $\mathcal{B}$ ҳалқа (алгебра)нинг $\mathcal{A}$алгебрадаги бутун ёпилмаси деб аталади. Ундан ташқари, $I(I(\mathcal{B})) = I(\mathcal{B})$ бўлади. Агар $I(\mathcal{B}) = \mathcal{B}$, у ҳолда $\mathcal{B}$ алгебра $\mathcal{A}$ алгебранинг бутун ёпиқ қисм алгебраси дейилади.

Тасдиқ II.1.8. (Ω, Σ, μ) тўла саноқли аддитив ўлчовли фазо ва $\mathcal{A} = \mathrm{S}(\Omega, \Sigma, \mu)$ тўплам (Ω, Σ) даги K-қийматли ($\mathrm{K} = \mathbb{R}$, ёки $\mathrm{K} = \mathbb{C}$) ўлчовли функциялар синфларидан ташкил топган алгебра бўлиб, ∇ эса $\mathcal{A}$ нинг барча идемпотентларидан иборат бул алгебраси бўлсин. У ҳолда $\mathrm{K}_c(\nabla) = \mathcal{A}$ тенглик факат ва фақат ∇ атомик бул алгебраси бўлгандагина ўринли бўлади.

$\mathcal{B}$ - $\mathcal{A}$ нинг қисм алгебраси бўлсин. $E(\mathcal{B}) = \overline{I(\overline{R(K(\mathcal{B}, \nabla))})}$ деб белгилаймиз. Энди охирги тенгликда нима ёзилганини тушунтирамиз. $E(\mathcal{B})$ алгебра $\mathcal{B}$ алгебрадан қуйидаги бир неча кетма-кет амалларни бажаришдан ҳосил бўлган: барча идемпотентларни қушиш, энг кичик регуляр қисм алгебрани ҳосил қилиш, ρ метрика бўйича ёпилмасини олиш, бутун ёпиқликни ҳосил қилиш ва яна бир бор ρ метрика бўйича ёпилмасини олиш.

Тасдиқ II.1.17. (Ω, Σ, μ) тўла саноқли аддитив ўлчовли фазо ва $\mathcal{A} = \mathrm{S}(\Omega, \Sigma, \mu)$ тўплам (Ω, Σ) даги K-қийматли ($\mathrm{K} = \mathbb{R}$, ёки $\mathrm{K} = \mathbb{C}$) ўлчовли функциялар синфларидан ташкил топган алгебра бўлиб, ∇ эса $\mathcal{A}$ нинг барча идемпотентларидан иборат бул алгебраси бўлсин. У ҳолда $\mathrm{E}(\mathrm{K}_c(\nabla)) = \mathrm{K}_c(\nabla)$.

$K[x_1, \dots, x_n]$ орқали K майдондаги n та $x_1, \dots, x_n$ ўзгарувчили барча кўпхадлар алгебрасини белгилаймиз.

$$q(x_1, \dots, x_n)$$

бир ҳади

$$p(x_1, \dots, x_n) \in K[x_1, \dots, x_n]$$

кўпхад ёйилмасида қатнашади дейилади, агар $p(x_1, \dots, x_n)$ ни нолдан фарқли коэффитцентли бирҳадларнинг табиий йиғиндисида q ҳам қатнашса (табиий йиғиндида иккита ҳар ҳил бир ҳадларнинг даражалари тақсимоти турлича бўлади)

$\mathcal{X} \subset \mathcal{A} \backslash \{0\}$ қисм тўпламни *алгебраик эркли* деймиз, агар ихтиёрий

$$a_1, \dots, a_n \in \mathcal{X}, e \in \nabla, p \in K[x_1, \dots, x_n]$$

Учун

$$ep(a_1, \dots, a_n) = 0$$

тенгликдан

$$eq(a_1, \dots, a_n) = 0$$

тенглиги келиб чиқса, бу ерда $q \in K[x_1, \dots, x_n]$ кўпҳади p ни ёйилмасига кирувчи бир ҳад. Бўш тўпламни ҳам алгебраик эркли деб ҳисоблаймиз.

Максимал алгебраик мустақил қисм тўпламнинг хоссасини келтирамиз.

Тасдиқ II.1.20 Айтайлик $\mathcal{X}$ - $\mathcal{A}$нинг максимал алгебраик мустақил қисм тўплами бўлсин. У ҳолда $\overline{I(\overline{R(K(\mathcal{X}, \nabla))})} = \mathcal{A}$ (эслатиб ўтамиз: $K(\mathcal{X}, \nabla)$ орқали $\mathcal{A}$ даги $\mathcal{X}$ ва ∇ тўпламлари орқали ҳосил қилинган қисм алгебрани белгилаган эдик).

$\mathcal{S}$ регуляр коммутатив $\mathcal{A}$ алгебранинг қисм-тўплами бўлсин. $\alpha: \mathcal{S} \to \mathcal{A}$ акслантириш *кенгаймайдиган* дейилади, агар барча $b \in \mathcal{S}$ учун

$$s(\alpha(b)) \leq s(b)$$

тенгсизлиги ўринли бўлса.

$\mathcal{S} \subset \mathcal{A}$ қисм-тўплами учун $K_s(\mathcal{S}, \mathcal{A})$ орқали $\mathcal{S}$ ни $\mathcal{A}$ га акслантирувчи барча f кенгаймайдиган акслантиришлар тўпламини белгилаймиз.

Тасдиқ II.1.22. $\mathcal{S} \subset \mathcal{A}$ бўлсин. У ҳолда $K_s(\mathcal{S}, \mathcal{A})$ координатали қўшиш ва сонга кўпайтиришга нисбатан K-чизиқли фазо бўлади. Бунда $K_s(\mathcal{S}, \mathcal{A})$ кўпайтма

$$\prod\nolimits_{a \in \mathcal{S}} s(a)\mathcal{A}$$

га K-чизиқли изоморф бўлади.

Иккинчи бобнинш **II.2 бўлими «дифференциаллашни давом эттириш»** деб номланиб, у коммутатив регуляр алгебраларда дифференциаллашни ўрганишга бағишланган. Ушбу бўлимнинг асосий мақсади FCR -алгебраларида нолдан фарқли дифференциаллашни мавжудлигига мезонлар топиш ва улар ёрдамида ўлчовли функциялар алгебрасида нолдан фарқли дифференциаллашни мавжудлигига зарур ва етарли шарт топиш. FCR -алгебраларида нолдан фарқли дифференциаллашни мавжудлигига мезони аниқлашда, ихтиёрий қисм-алгебрада берилагн кенгаймайдиган дифференциаллашни бутун алгебрагача дифференциаллаш қилиб давом эттириш мумкин эканлиги фойдаланилди. Бунинг учун диссертацияда дифференциаллашни давом эттириш олдинги бўлимда келтирилган бир неча босқичда бўлади: барча идемпотентлари кўшилган қисм-алгебрагача, энг кичик регуляр қисм-алгебрача, метрика бўйича ёпилган қисм-алгебрагача, бутун элементи қўшилган қисм-алгебрагача ва транцендент элементи қўшилган қисм-алгебрагача давом эттирилади.

Тасдиқ II.2.3. $\mathcal{B}$ – $\mathcal{A}$да қисм алгебра, $\delta: \mathcal{B} \to \mathcal{A}$ – кенгайтмайдишан дифференциаллаш бўлсин. У ҳолда шундай ягона дифференциаллаш $\delta_1: K(\mathcal{B}, \nabla) \to \mathcal{A}$ мавжуд бўлиб, ихтиёрий $b \in \mathcal{B}$ элемент учун $\delta_1(b) = \delta(b)$ тенглик ўринли бўлади.

Қуйидаги тасдиқда дифференциаллашни давом эттиришнинг иккинчи қадами амалга оширилади: у берилган қисм алгебра $\mathcal{B}$ ва ∇ ни ўз ичига олувчи регуляр қисм алгебрага давом эттирилади.

Тасдиқ II.2.4. $\mathcal{B}$ – $\mathcal{A}$ нинг қисм алгебраси, $\nabla \subset \mathcal{B}$, $\delta: \mathcal{B} \to \mathcal{A}$ – дифференциаллаш, $R(\mathcal{B})$ - $\mathcal{B}$ ни ўз ичига олувчи $\mathcal{A}$ нинг энг кичик регуляр қисм алгебраси бўлсин (Тасдиқ 1.3 га қаранг). У ҳолда шундай ягона дифференциаллаш $\delta_1: R(\mathcal{B}) \to \mathcal{A}$ мавжуд бўлиб, ихтиёрий $b \in \mathcal{B}$ элемент учун $\delta_1(b) = \delta(b)$ тенглик ўринли бўлади.

Қуйидаги тасдиқда дифференциаллашни давом эттиришнинг учинчи қадами амалга оширилади: у берилган қисм алгебра $\mathcal{B}$ нинг содда бутун кенгайтмасига давом эттирилади.

Тасдиқ II.2.7. Айтайлик $\mathcal{B}$ - $\mathcal{A}$ нинг $(\mathcal{A},\rho)$ да ёпиқ булган регуляр қисм алгебраси, $\nabla\subset\mathcal{B}$, $0\neq a\in\mathcal{A}$ - $\mathcal{B}$ га нисбатан бутун элемент ва $\delta:\mathcal{B}\to\mathcal{A}$ – дифференциаллаш бўлсин. У ҳолда шундай ягона дифференциаллаш $\delta_1:\mathcal{B}(a)\to\mathcal{A}$ мавжуд бўлиб, ихтиёрий $b\in\mathcal{B}$ элемент учун $\delta_1(b)=\delta(b)$ тенглик ўринли бўлади.

Охирида қисм алгебранинг кучсиз трансцендент элементни қўшиш ёрдамида ҳосил қилинган кенгайишини кўриб чиқамиз.

Тасдиқ II.2.8. $\mathcal{B}$ - $\mathcal{A}$ да регуляр қисм алгебра, $\nabla\subset\mathcal{B}$ ва $\delta:\mathcal{B}\to\mathcal{A}$ - дифференциаллаш бўлсин. Агар $a\in\mathcal{A}$ - $\mathcal{B}$ га нисбатан кучсиз трансцендент элемент бўлса, у ҳолда ихтиёрий $c\in\mathcal{A}$, $s(c)\leq s(a)$ учун шундай ягона дифференциаллаш $\delta_1:\mathcal{B}(a)\to\mathcal{A}$ мавжуд бўлиб, ихтиёрий $b\in\mathcal{B}$ элемент учун $\delta_1(b)=\delta(b)$ ва $\delta_1(a)=c$ тенгликлар ўринли бўлади.

Ушбу бўлимнинг энг асосий теоремасини келтирамиз.

Теорема II.2.9. Нол характеристикали K майдонда $\mathcal{A}$ FCR-алгебрасининг $\mathcal{B}$ қисм алгебраси берилган бўлсин. У ҳолда ихтиёрий кенгаймайдиган $\delta:\mathcal{B}\to\mathcal{A}$ дифференциаллаши учун барча $b\in\mathcal{B}$ учун

$$\tilde{\delta}(b)=\delta(b)$$

тенгликни қаноатлантирувчи $\tilde{\delta}:\mathcal{A}\to\mathcal{A}$ дифференциаллаши мавжуд бўлади.

Ушбу теореманинг натижаси сифатида қуйидаги мезонни келтирамиз.

Теорема II.2.11. Нол характеристикали K майдонда $\mathcal{A}$ FCR-алгебраси берилган бўлсин. У ҳолда $\mathcal{A}$ да нолдан фарқли дифференциаллашни мавжуд бўлиши учун

$$E(K_c(\nabla))\neq\mathcal{A}$$

муносабатини бажарилиши зарур ва етарли. Агар K алгебраик ёпиқ бўлса, у ҳолда юқоридаги муносабат

$$K_c(\nabla)\neq\mathcal{A}$$

га эквивалент бўлади.

Қуйидаги теорема юқоридаги натижани мухим татбиқи ҳисобланади.

Теорема II.2.12. (Ω,Σ,μ) тўла саноқли аддитив чекли ўлчовли фазо ва $S=S(\Omega,\Sigma,\mu)$ тўплам (Ω,Σ) даги K-қийматли ($K=\mathbb{R}$, ёки $K=\mathbb{C}$) ўлчовли функциялар алгебраси бўлсин. У ҳолда қуйидаги шартлар эквивалентдир:

1. Нолдан фарқли $\delta:S\to S$ дифференциаллаш мавжуд;
2. S даги идемпотентлардан иборат ∇ бул алгебраси атомик эмас.

Энди юқоридаги теоремани коммутатив ўлчовли оператор алгебралари учун келтирамиз

Теорема II.2.14. $\mathcal{M}$ коммутатив фон Нейман алгебраси бўлсин. У ҳолда қуйидаги шартлар эквивалентдир:

1. Нолдан фарқли $\delta:S(\mathcal{M})\to S(\mathcal{M})$ дифференциаллаш мавжуд;
2. $\mathcal{M}$ даги барча проекторлардан иборат $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ бул алгебраси атомик бул алгебраси бўлмайди.

Иккинчи бобнинг **II.3 бўлими «дифференциаллаш чизиқли фазосини тузилишиу ва ўлчами»** деб номланиб, у алгебраик эрклилик тушунчаси ёрдамида FCR- алгебра $\mathcal{A}$ даги барча дифференциаллашларнинг K-чизиқли фазоси $Dir(\mathcal{A})$ ни ўлчами ва тузилишини таснифлашга бағишланган. Хусусан, $Dir(S[0,1])$ ўлчами $\aleph_1$ континуум қувватидан кам эмаслиги кўрсатилган.

Ушбу бўлимнинг асосий натижасини келтирамиз.

Теорема II.3.3. Нол характеристикали K майдонда $\mathcal{A}$- FCR алгебраси берилган бўлсин. $\mathcal{X}$ тўплам $\mathcal{A}$ нинг максимал алгебраик эркли қисм-тўплами бўлсин. У ҳолда $\delta \to \delta|_{\mathcal{X}}$ акслантириш $Dir(\mathcal{A})$ дан

$$K_s(\mathcal{X},\mathcal{A}) \cong \prod\nolimits_{a\in\mathcal{X}} s(a)\mathcal{A}$$

га чизиқли изоморфизм бўлади.

Қуйидаги теоремада $Dir(S_K[0,1])$ ($K=\mathbb{R}$, ёки $K=\mathbb{C}$) фазоси ўлчамига баҳо берилади.

Теорема II.3.6. $Dir(S_K[0,1])$ чизиқли фазоси ($K=\mathbb{R}$, ёки $K=\mathbb{C}$) $S_K[0,1]$ фазонинг саноқсиз экземплярлари кўпайтмасига изоморф бўлади. Хусусан, $\dim(Dir(S_K[0,1])) \geq \dim(S_K[0,1])$ тенгсизлиги ўринли бўлади.

Иккинчи бобнинг **II.4 бўлими «дифференциаллашни бир қийматли максимал давом эттириш»** деб номланади. **II.2** бўлимда ихтиёрий кенгаймайдиган δ дифференциаллашни ихтиёрий $\mathcal{B}\subset\mathcal{A}$ қисм-алгебрадан $\mathcal{A}$ гача дифференциаллаш қилиб давом эттириш мумкин эканлиги исбот қилинган эди. Шунинг учун бундай дифференциаллашни $\mathcal{B}$ ва $\mathcal{A}$ орасидаги ихтиёрий қисм-алгебрасигача давом эттириш мумкин. Бунда қуйидагича табиий савол туғилади: Қандай ҳолларда ихтиёрий дифференциаллашни $\mathcal{B}$ қисм-алгебрадан $\mathcal{C}\supset\mathcal{B}$ қисм-алгебрагача давом эттирилиши ягона бўлади?

Ушбу бўлимда мана шу саволга жавоб берилади: бундай давом эттиришни шарти

$$\mathcal{B}\subseteq\mathcal{C}\subseteq E(\mathcal{B})$$

муносабатини бажарилишидир.

Ушбу бўлимнинг асосий натижасини келтирамиз.

Теорема II.4.1. Нол характеристикали K майдонда $\mathcal{A}$- FCR алгебраси берилган бўлиб, $\mathcal{B}$ ва $\mathcal{C}$ лар $\mathcal{A}$ нинг қисм-алгебралари ва $\mathcal{B}\subset\mathcal{C}$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий кенгаймайдиган $\delta\colon\mathcal{B}\to\mathcal{A}$ дифференциаллаши $\mathcal{C}$ ни $\mathcal{A}$ га акслантирувчи дифференциаллашгача ягона равишда давом эттирилиши $\mathcal{C}\subseteq E(\mathcal{B})$ муносабитини бажарилишига эквивалентдир. Агар $E(\mathcal{B})\neq\mathcal{A}$ бўлса, у ҳолда ихтиёрий кенгаймайдиган $\delta\colon\mathcal{B}\to\mathcal{A}$ дифференциаллаш $\mathcal{A}$ гача чексиз кўп усулда давом эттирилиши мумкин.

Ушбу теореманинг мухим татбиқи, уни оддий классик ҳосилани давом эттиришга қўлланилишидадир

Теорема II.4.4. $S_K[0,1]$ ($K=\mathbb{R}$, ёки $K=\mathbb{C}$) тўплами $[0,1]$ кесмадаги деярли барча ерда тенг K –қийматли ўлчовли функциялар синфлари алгебраси, $D[0,1]$ эса $S_K[0,1]$ нинг ҳеч бўлмаганда битта барча ерда дифференциалланувчи функцияга эга бўлган синфлардан ташкил топган қисм-алгебраси бўлсин. Ҳар бир барча ерда дифференциалланувчи f функция учун

$$\partial([f]) = [f']$$

тенгликни аниқлаймиз. У ҳолда ∂ акслантириш $D[0,1]$ дан $S_K[0,1]$ га коррект аниқланган дифференциаллаш бўлади. Сўнгра, $E(D[0,1])$ тўплам $S_K[0,1]$ нинг ҳеч бўлмаганда битта барча ерда апроксиматив дифференциалланувчи функцияга эга бўлган синфлардан ташкил топган $AD[0,1]$ қисм-алгебраси билан тенг бўлади. Бунда

$$D[0,1] \subsetneqq AD[0,1] \subsetneqq S_K[0,1]$$

муносабатлари ўринли бўлади. $AD[0,1]$ алгебраси $D[0,1]$ ни ўз ичига олувчи $S_K[0,1]$ нинг шундай энг катта қисм-алгебраси бўладики, бу қисм-алгебрада ∂ диффернциаллашни давом эттирувчи ягона ∂_{ap} диффернциаллаши мавжуд бўлади. Агар f- барча ерда апроксиматив дифференциалланувчи функция бўлса, у ҳолда

$$\partial_{ap}([f]) = [f'_{ap}]$$

тенглик ўринли бўлади. $S_K[0,1]$ алгебрасида эса ∂ ни давом эттирувчи чексиз кўп диффернциаллашлар мавжуд.

Учиничи боб «Дифференциаллашни узлуксизлиги» деб номланиб, унда $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси хос чексиз бўлганда τ-ўлчовли операторлар алгебраси $S(\mathcal{M},\tau)$ ва локал ўлчовли операторлар алгебраси $LS(\mathcal{M})$ да ихтиёрий дифференциаллаш мос равишда ўлчовли яқинлашиш ва локал ўлчовли яқинлашиш топологиясига нисбатан узлуксиз бўлиши кўрсатилган.

Учинчи бобнинг **III.1** бўлими **«τ-ўлчовли хос чексиз $*$- оператор алгебраларда дифференциаллашни узлуксизлиги »** хос чексиз фон Нейман алгебраси $\mathcal{M}$ учун $S(\mathcal{M},\tau)$ алгебрадаги иҳтиёрий дифференциаллашнинг узлуксизлигини исботлашга бағишланган.

Исбот учун бизга қуйидаги ёрдамчи леммалар керак бўлади.

Лемма III.1.1. Агар $\{e_n\}_{n=1}^{\infty}$ - ихтиёрий n учун $e_n \downarrow 0$ ва $\mathcal{P}(\mathcal{M}) \ni p \precsim e_n$ шартларни қаноатлантирувчи $\mathcal{M}$ дан олинган чекли проекторлар кетма-кетлиги булса, у ҳолда $p = 0$.

Лемма III.1.2. Агар $a \in LS(\mathcal{M})^+$ оператор ва $q \in \mathcal{P}(\mathcal{M})$ проектор бирор $0 < \lambda \in \mathbb{R}$ учун $qaq \geq \lambda q$ шартни қаноатлантирса, у холда ихтиёрий $0 \leq \mu < \lambda$ учун $q \precsim e^a(\mu,\infty)$ бажарилади.

Лемма III.1.3. Айтайлик $a \in LS(\mathcal{M})^+$бўлсин. Агар $\{q_n\}_{n=1}^{\infty}$кетма-кетлик $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ дан олиниб ва $q_0 \in \mathcal{P}(\mathcal{M})$ бўлиб, $q_n \sim q_0$ ва ихтиёрий $n \in \mathbb{N}$ учун $q_n a q_n \geq n q_n$ тенгсизлик бажарилса, у ҳолда $q_0 = 0$.

Лемма III.1.4. $\{a_n\}_{n=1}^{\infty}$ - $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасининг ўзаро дизъюнкт, ўз-ўзига қушма операторлари кетма-кетлиги бўлсин ва $sup_n \parallel a_n \parallel < \infty$ бўлсин. Унда $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ қатор so-топологияда қандайдир $a \in \mathcal{M}$ элементга яқинлашади ва $\parallel a \parallel = sup_n \parallel a_n \parallel$ тенглик бажарилади.

Ушбу бўлимнинг асосий натижасини келтирамиз.

Теорема III.1.5. $\mathcal{M}$ хос чексиз фон Нейман алгебраси бўлиб, τ эса $\mathcal{M}$

даги аниқ нормал ярим-чекли из бўлса, у ҳолда ихтиёрий $\delta: S(\mathcal{M},\tau) \to S(\mathcal{M},\tau)$ дифференциаллаш ўлчовли яқинлашиш топологиясига нисбатан узлуксиз бўлади.

Учинчи бобнинг **III.2** бўлими **«локал ўлчовли хос чексиз $*$- оператор алгебраларда дифференциаллашни узлуксизлиги »** хос чексиз фон Нейман алгебраси $\mathcal{M}$ учун $LS(\mathcal{M})$ алгебрадаги иҳтиёрий дифференциаллашнинг узлуксизлигини исботлашга бағишланган.

Исбот учун бизга қуйидаги тасдиқлардан фойдаланилади.

Тасдиқ III.2.1. Агар $x_\alpha \in LS(\mathcal{M}), 0 \neq z \in \mathcal{P}(\mathcal{Z}(\mathcal{M}))$ бўлса, у ҳолда

$$zx_\alpha \overset{t(\mathcal{M})}{\longrightarrow} 0 \Leftrightarrow zx_\alpha \overset{t(z\mathcal{M})}{\longrightarrow} 0.$$

Натижа III.2.2. Агар $\{z_\alpha\}_{\alpha\in A} \subset \mathcal{P}(\mathcal{Z}(\mathcal{M}))$ ва $z_\alpha \downarrow 0$ бўлса, унда $z_\alpha \overset{t(\mathcal{M})}{\longrightarrow} 0$ бўлади.

Тасдиқ III.2.3. $L^0(\Omega,\Sigma,\mu)$ дан олинган $\{f_\alpha\}_{\alpha\in A}$ тўр ва f элемент учун қуйидаги шартлар эквивалент:

(i). $f_\alpha \overset{t(L^\infty(\Omega))}{\longrightarrow} f$;

(ii). $f_\alpha\chi_{A_i} \overset{t(L^\infty(A_i))}{\longrightarrow} f\chi_{A_i}$ ихтиёрий $i \in I$ учун.

Тасдиқ III.2.4. $\mathcal{M}$ - ихтиёрий фон Нейман алгебраси, $x_\alpha, x \in LS(\mathcal{M})$, $0 \neq z_i \in \mathcal{P}\big(\mathcal{Z}(\mathcal{M})\big), z_i z_j = 0,$ бу ерда $i \neq j$, $sup_{i\in I} z_i = \mathbf{1}$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги шартлар эквивалент:

(i). $x_\alpha \overset{t(\mathcal{M})}{\longrightarrow} x$;

(ii). $z_i x_\alpha \overset{t(z_i\mathcal{M})}{\longrightarrow} z_i x$ ихтиёрий $i \in I$ учун.

Эслатма III.2.5. III.2.4 тасдиқдан $t(\mathcal{M})$ топология $t(z_i\mathcal{M}), i \in I$ топологияларнинг Тихонов купайтмаси билан устма-уст тушади.

Натижа III.2.6. $\{z_i\}_{i\in I}$ - бирлик элементнинг $\mathcal{M}$ даги марказий бўлинмаси бўлсин. Айтайлик, чизиқли оператор $T: LS(\mathcal{M}) \to LS(\mathcal{M})$ ихтиёрий $x \in LS(\mathcal{M}), i \in I$ учун $T(z_i x) = z_i T(x)$ тенгликни қаноатлантирсин. У холда қуйидаги шартлар эквивалент:

(i). $T: (LS(\mathcal{M}), t(\mathcal{M})) \to (LS(\mathcal{M}), t(\mathcal{M}))$ акслантириш узлуксиз;

(ii). $T_{z_i}: (LS(z_i\mathcal{M}), t(z_i\mathcal{M})) \to (LS(z_i\mathcal{M}), t(z_i\mathcal{M}))$ акслантиришлар ихтиёрий $i \in I$ учун узлуксиз.

